



ХОКИМИ  
ҚАРОРИ

HOKIMI  
QARORI

22 - май 2020 йил

№ 1316<sub>к</sub>

Тумандаги "FERUZBEK BEXRUZBEK SERVIS" маъсулияти чекланган жамиятига ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Тумандаги "FERUZBEK BEXRUZBEK SERVIS" маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Э.Ибодуллаевнинг ер участкаси олиш бўйича танловда қатнашишга руҳсат беришни сўраб комиссия номига ёзган аризасини, тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташкил қилиш истагини билдирган фуқароларга ва фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни қарорини ҳамда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунларига асосланиб

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташкил қилиш истагини билдирган фуқароларга ва фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни қарори маъқуллансин.
2. Бешта қишлоғи ҳудудидан танловга қўйилган №22 – лойиҳа бўйича "FERUZBEK BEXRUZBEK SERVIS" маъсулияти чекланган жамияти танлов ғолиби деб топилсин ва унга Бешта қишлоғи қишлоқ хўжалик харитасининг №376к–контуридаги жами 1,0 гектар (шундан сугориладиган экин ери 1 гектар) ер майдони ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш учун ажратиб берилсин.
3. Шу муносабати билан "FERUZBEK BEXRUZBEK SERVIS" маъсулияти чекланган жамиятининг №374, 375, 376к– контурлардаги жами 8,1 гектар (шундан сугориладиган экин ери 1,5 гектар, қўл 6,6 гектар) этиб белгилансин ва жамиятга 3 йил муддатга ижарага берилсин.
4. Ҳазорасп туман давлат хизматлари маркази директори (Б.Рўзметов)га, фермер хўжалигини белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Сабилов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойини ўзида (натурада) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш топширилсин.
6. "FERUZBEK BEXRUZBEK SERVIS" маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Э.Ибодуллаевга қўшимча ер майдони ажратилиши муносабати билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан қўшимча шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.
7. Ушбу қарорни тасдиқлаш учун Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясига киритилсин.
8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:

Ў.Машарипов